Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL
4 IYUN
SESHANBA
№ 70 (26.929)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ОДАМ ҚАДРИ — ОЛАМ ҚАДРИ

Фараз қилинг, агар бирор репортёр (репортаж олиб борувчи)дан ўтган ҳафта мамлакатимиз ҳаётида кечган энг муҳим воқеаларни таҳлил қилиб, уларни қисқача шарҳлаб беришни сўрасак, шубҳасиз, у тахминан шундай шарҳлаган бўларди:

— Ўтган ҳафтанинг энг муҳим воқеаси — ҳафтанинг жума куни ўтган халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда республикамиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлаб, одамларга ғамхўр бўлиш, истиқболни ўйлаб иш тутиш, раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш, хусусан, уларни ўқитиш ва тажрибасини ошириш масалаларида сўз юритди.

Дарвоқе, нутқда таъкидланганидек, бу масалалар тасодифан пайдо бўлгани йўқ. Вилоятдаги бугунги аҳвол — иқтисодий-ижтимоий вазият кескинлашиб бораётгани, туғилаётган муаммолар одамларнинг кайфиятига салбий таъсир қилаётгани сессия кун тартибига қўйилган масалалар билан бевосита боғлиқ эди.

Мустақиллик йилларининг ҳар бир куни олдимизга бирбиридан йирик, бир-биридан муҳим вазифалар қўяётган ҳозирги пайтда: корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маҳаллий хомашёларни кўпроқ ва кенгроқ ишлатиш муаммолари кўп ҳолларда ўз ечимини топмасдан қолаяпти. Маркетинг хизматини тўғри йўлга қўйиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, харидоргир бўлмаган товарлар тайёрлаш ҳажмини қисқартириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш борасида кутилган натижаларга эришилмаяпти. Ишимизни замонавий усулларда ташкил этиб, мамлакат фуқароларини рағбатлантириш масалалари ижросида сусткашлик ҳоллари давом этмоқда. Пировардида, буларнинг ҳаммаси нафақат бошлаган ишларимиз ривожига, балки ислоҳотларимиз одимларига ва одамларимиз руҳиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тупроғида олтин ва кумуш дейсизми, уран ва вольфрам дейсизми, норуда ва кимёвий хомашёлар дейсизми, мармар ва гранит дейсизми — нодир бойликларнинг барча тури бўлган вилоятда қўшма корхоналар қувватлари тўла ишламаяпти, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора камайиб бормоқда. Омборларнинг ўзида 14 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай ётибди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам айни шу манзара мавжуд эканлиги кишини ташвишга солади. Пахта етиштиришда ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига режалар сурункасига икки йилдан буён бажарилмаяпти. Ғаллачилик оқсаб, чорвачилик депсиниб турибди. Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ўрнига уларни талон-торож қилиш ҳоллари учрамоқда. Деҳқон-фермер хўжаликларига бўлган эътибор, уларга техник ва ахборот хизмати кўрсатиш, минерал ўғит, сифатли уруғлик ва кичик техника воситалари етказиб бериш — бугунги кун талаблари даражасида эмас.

«Ижтимоий соҳадаги йўл қўйилаётган камчиликлар орасида, — деди мамлакатимиз раҳбари, — **барчамизни айниқса, безовта қилиши лозим бўлган бир масала борки, у бевосита Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш билан боғлиқдир».** Ўқув масканларида йиғилиб қолган муаммолар, соғлиқни сақлаш соҳасида рўй бераётган камчиликлар, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик тизимидаги порахўрлик, таъмагирлик сингари нохуш ҳоллар айрим мансабдор раҳбарлар истиқболни ўйламасдан иш тутаётганлигининг, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилишни унутиб қўяётганлигининг оқибатлари эканлиги нутқда очиқ-ойдин айтиб ўтилди.

Нутқни диққат билан ўқиган ёхуд тинглаган бўлсангиз, беихтиёр шундай хулосага келасизки, бундай қусурлар у ёки бу қўринишда мамлакатимиз ҳудудининг бошқа минтақаларида ҳам йўқ эмас. Бу ерда мақсад фақат уларни бир вилоят мисолидагина қайд этиб ўтишда эмас, балки ҳар ким — ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро айтилган фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, ўз ишларига танқидий нуқтаи-назардан қараб, омма билан жипслашган ҳолда ўз ҳудудлари ҳаётида жиддий ижобий ўзгаришлар ясаши жоизлигидадир. Ана шунда мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги куни, одамларимизнинг ҳаёти, қадри, турмуш тарзи ҳақида қайғурган, уларнинг истиқболини ўйлаб иш тутган бўламиз. Зеро, нутқда илгари сурилган пурмаъно мулоҳазалардан кутилган асл мақсад ҳам шу!

(Давоми 2-бетда)

ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда «Давлатимиз рамзлари» китобини нашрдан чиқарди.

Юртбошимиз: «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир», деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Аслида рамзлар ва тимсоллар ҳамма вақт ҳам миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келган.

Мустақилликни қўлга киритиб ўз Байроғимиз, Гербимиз ва Мадҳиямизга эга бўлишимиз чин маънода озод ва ҳур бўлганимиз белгисидир. Бугун Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир инсон бебаҳо ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз бўлган давлат рамзларини билиши, ҳурмат қилиши шарт. Шу боис уларга бўлган муносабатимизни, аввалгидек, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни ўрганишдан бошлашимиз керак.

«Давлатимиз рамзлари» китобида ана шу миллий тимсолларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб «Маънавият» нашриётида чоп этилган.

■ **(ЎзА)**

Кўҳна ва навқирон Бухоро бир ҳафта мобайнида ҳаяжон, қувонч билан яшади. Унинг бағрида шижоат, ғайрат, мардликка йўғрилган камолот ўзини кўз-кўз этди. «Универсиада — 2002» дастуридан жой олган 11 та спорт тури бўйича 230 та олтин, шунча кумуш ва 270 та бронза медаллари соҳиблари аниқланди.

(Давоми 4-бетда)

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ҲИНДИСТОН БИЛАН ПОКИСТОННИ ЯРАШТИРИШ УЧУН

Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларда бир неча ойдан буён ҳукм сураётган кескинлик кун сайин хавфли тус олиб бормоқда. Йирик мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар қанчалик уринмасин, қўшни ва қондош бу икки мамлакатни муросага келтира олмаётир. Бир ойча аввал АҚШ вакиллари, сўнгра Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стронинг икки давлатга қилган сафари ҳам вазиятни юмшата олмади. Яқинда эса Австралия ҳукумати ҳам Покистон ва Ҳиндистон ўртасида воситачилик қилиш таклифини билдирди.

Энди АҚШ Президенти Жорж Буш Ҳиндистон ва Покистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельдни шу ҳафтада Ҳиндистон — Покистон чегарасига жўнатишга қарор қилди. Шунингдек, Буш ҳарбий можаро юз бераётган бу икки мамлакатда халқаро аҳвол ёмонлашаётганлиги муносабати билан иккала давлат ҳудудида яшаётган Америка фуқаролари ҳаётини муҳофаза этиш масалаларини АҚШ мудофаа вазири ва давлат котиби ўрганиб чиқаётганини маълум қилди. Режага кўра, бу ҳудуддаги 3 та Америка базасидан 1100 ҳарбий, шунингдек, икки мамлакатда яшаётган 63 минг Америка фуқароси олиб чиқиб кетилади.

Маълумки, Франция, Буюк Британия ва Германиянинг Исломободдаги элчихоналарида ишловчи ходимларнинг оила аъзолари юртларига қайтиб кетган.

РЕЖА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг баёнот беришича, мамлакат қуролли кучларининг жанговар қўшинларини Афғонистон чегарасидан Ҳиндистон чегарасига кўчириш масаласи шу кунларда кўриб чиқилмоқда. Лекин ҳали аниқ амалий ишга ўтилганича йўқ. Бироқ Покистон бош штаби аввалроқ тарқатган манбаларда маълум қилинишича, энг жанговар қисмларни ҳинд чегарасига кўчириш бошланган, дея хабар беради Reuters агентлиги.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ЯНГИ БОШ ВАЗИР

Қирғизистон бош вазири ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган 57 ёшли Николай Танаев республика бош вазири этиб тасдиқланди. Жўғўрқи Кенешнинг юқори палатаси вакиллари Президент Асқар Акаев томонидан кўрсатилган Танаевнинг номзодини қўллаб-қувватладилар.

Аввалги бош вазир Қурмонбек Бақиев ва «кабмин»нинг бошқа барча раҳбарлари 22 май куни Хавфсизлик кенгаши мажлисида ўз лавозимларидан четлатилган эди. Жалолобод вилоятининг Аксу туманидаги қонли тўқнашув сабабларини текширган давлат комиссияси хулосаси уларни ишдан четлатишни тақозо этди. Шу йил 17 март кунги норозилик намойишини куч ишлатиб тарқатиш натижасида 5 киши қурбон бўлган, юздан ортиқ киши тан жароҳати олган эди.

Маълум бўлишича, ҳозир Жалолобод вилоятининг собиқ прокурори Зоотбек Кудайбергенов устидан жиноий иш қўзғатилган. Унинг «ноқонуний фаолияти оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарган». Яъни Жўғўрқи Кенеш депутати Азимбек Бекназаров айнан унинг санкциясига кўра қамоққа олинган эди. Бу эса ўз навбатида оммавий тартибсизликларга ва халқнинг норозилик намойишига сабаб бўлди.

АМАЛДА СИНАБ КЎРМОҚЧИ

Европа Иттифоқи норасмий муҳожирликка қарши курашнинг янги усулини амалда қўллаб кўрмоқчи. Европа Иттифоқига аъзо 15 давлатнинг ва унга қўшни мамлакатлар ички ишлар вазирларининг Римда бўлиб ўтган йиғинидаги келишувга асосан эндиликда махсус муҳожирлик хизмати тажриба сифатида ташкил этилади. У Европанинг энг муҳим аэропортларида, шунингдек, денгиз портларида фаолият олиб боради. Махсус муҳожирлик хизматининг вазифаси шундан иборатки, у норасмий муҳожирлар ҳужжатларидаги қалбакиликни фош этади, сохта қочоқларни мамлакатдан чиқариб юборади, муҳожирлик билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда тезкор чоралар қўллайди. Фақат махсус муҳожирлик хизмати шу ой Испанияда ўтказилиши мўлжалланаётган Европа Иттифоқининг навбатдаги мажлисида расмий тасдиқдан ўтиши керак.

ЯНГИ АЛОҚА СТАНЦИЯСИ

Каттақўрғон шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари ажойиб қулайликка эга бўлдилар. Бу ерда тўрт минг мижозга хизмат кўрсатадиган Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси томонидан янги ва замонавий алоқа телефон станцияси қурилди. Эндиликда эса каттақўрғонликлар жаҳон андозаларига мос қулайликлардан бемалол фойдаланадиган бўлдилар. Жумладан, ҳар бир телефон соҳиби бир пайтнинг ўзида олти нафар мижоз билан суҳбатлаша олади. Эътиборлиси шундаки, телефон эгалари уйларидан туриб жаҳоннинг исталган нуқтаси билан тўғридан-тўғри қисқартирилган кодлар билан боғлана олишади.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТИББИЁТ МОМИҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Яқин кунлар ичида Бухорода тиббий мақсадларда фойдаланиладиган, арзон ҳамда сифатли момиқ пахта ишлаб чиқарилади. Франциялик инвесторлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Леуатде Бухоро» қўшма корхонаси ана шундай имкониятни юзага келтирди. Энди вилоятдаги соғлиқни муҳофаза қилиш муассасалари тиббиёт пахтасига зориқмайдилар.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

СУД «ТАҲРИРИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЁКИ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ЧИҚАРГАН 219-СОН БУЙРУҚНИНГ НАВБАТДАГИ ТАҲРИРИ ҲАҚИДА

Танқидий мақола газета саҳифасини тўлдириш ёки бировнинг томорқасига тош отиш учун эмас, қандай мавзудалигидан қатъи назар, адолат қарор топиши учун ёзилади. Бинобарин, унга билдирилган муносабат ҳам холис, адолатнинг қарор топишига хизмат қиладиган бўлиши лозим, деб ўйлаймиз.

Газетанинг шу йил 9 апрель сонида **«Судда «таҳрир» қилинган буйруқ»** сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Давлат солиқ қўмитаси томонидан Қашқадарё вилояти солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бошқармаси (ССҲБККБ) бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб ишга юборилган Ҳотам Ортиқов ташкилот иш кўрсаткичларини юқори даражага кўтарган бўлса-да, тўрт ойдан сўнг «Муҳитни бузди, ижро ва меҳнат интизомини сусайтириб юборди» сингари мантиқсиз важлар билан лавозимидан бўшатилганлиги, ушбу буйруқ эса меҳнат қонунчилиги талабларига зид эканлиги ҳақида сўз юритилганди.

Ушбу мақола юзасидан таҳририятга қўмита раиси ўринбосари Э.Гадоев имзоси билан жавоб хати келди. Аввало, вақтида билдирилган муносабат учун миннатдорчилик билдирамиз. Аммо таҳририят газетада чиққан танқидий мақола учун тегишли ташкилотдан номига икки энлик хат эмас, жўяли жавоб кутади. Шунга қараб ўша идорада танқидга, шунингдек, инсон тақдирига, унинг қадр-қимматига эътибор нечоғлик эканлигини билиш мумкин. Чунки ҳар бир танқидий чиқиш ортида қандайдир муаммо ёки инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари ётибди.

Жавоб хатидан ўқиймиз:

«... Ортиқов Ҳ.С.нинг иш фаолиятида жиддий хато-камчиликларга йўл қўйганлиги, ДСҚнинг 2001 йил 24 февралдаги 43-сонли буйруғи талабларини бузган ҳолда, айрим ходимларни эгаллаб турган лавозимидан бошқа ишларга ишлатганлиги, ўзига бириктирилган хизмат автомашинасини иш вақтидан кейин гаражда сақланишини таъминламаганлиги, бошқарма ва вилоят ДСБ ходимлари орасида ўзининг ноўрин хатти-ҳаракатлари, нотўғри бошқарув услублари билан жамоа орасида меҳнат ва ижро интизомини сусайтириб юборганлиги ва шу каби бошқа қатор хато-камчиликларга йўл қўйиб келганлиги оқибатида ходимлардан аризалар, шикоятлар келиб тушганлиги учун ДСҚ раҳбарияти томонидан унинг эгаллаб турган лавозимига тасдиқлаш рад этилган ва ДСҚ мутахассислари томонидан унга нисбатан хизмат суриштируви ўтказилган.

(Давоми 2-бетда)

ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ЎРНАТИЛДИ

Нью-Йорк шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Ангола Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисида Қўшма коммюнике имзоланди. Ушбу битимни Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили А. Вахидов ҳамда Анголанинг БМТдаги доимий вакили И. Гаспаров Мартинс имзоладилар.

Имзолаш маросимидан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида томонлар дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши Ўзбекистон Республикаси ҳамда Ангола Республикаси ўртасида дўстона муносабатларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, шунингдек, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликнинг кенгайишига кўмаклашади, деб ишонч билдирдилар.

■ **«Жаҳон» АА**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ҚАДАМ

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Италия миллий авиакомпаниялари ўртасидаги ҳамкорлик дебочаси бўлган тижорат битими имзоланди. Зеро, у «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га ҳам, «Алиталия»га ҳам манфаатлидир.

«Алиталия» авиакомпанияси вице-президенти Андреа Туччи айтганидек, имзоланган шартнома ҳамкорлигимиз йўлидаги дастлабки қадамдир. Келажакда унинг фаолият соҳалари кенгайиб боради.

«Алиталия» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» қатнови бизнинг ўзаро ҳамкорликдаги дастлабки Европа йўналишимиздир. Келгусида биз «Sky Team» ҳамжамиятининг бошқа аъзолари билан ҳам алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ниятидамиз, — деди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бош директори Арслон Рўзметов.

Бизнинг маълумотнома: «Алиталия» — Европадаги энг йирик авиауюшма — «Sky Team» аъзосидир. «Аэромехико», «Эр Франс», «Чех авиалиниялари», «Дельта Эрлайнз», «Кореан Эйр» мазкур уюшма аъзоларидир. Улар томонидан миллионлаб йўловчиларга жаҳоннинг 500 нуқтасига 8 мингта кундалик парвоз таклиф этилмоқда.

Кўриниб турибдики, Европанинг йирик авиаташувчиларидан бири бўлмиш «Алиталия» билан имзоланган битим ўзбек миллий авиакомпаниясининг жаҳон авиация-транспорт тизимига интеграциялашуви йўлидаги янги қадамдир.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ОДАМ ҚАДРИ — ОЛАМ ҚАДРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг 28 май куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси қуролли кучлар қўмитасининг ҳарбий таъминот бўйича ички қўмитаси раиси Курт Вэлдон раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилиши — Ўзбекистон — Америка муносабатлари жадал ривожланаётганлигининг яна бир тасдиғидир. Ўзаро мулоқотларнинг бундай изчил давоми — мамлакатларимизда ҳамкорликнинг ҳар жабҳада кенгайишига интилишнинг кучлилигидан, америкалик конгрессменлар ва қонун чиқарувчиларнинг Ўзбекистонга алоҳида диққатидан ҳамда халқларимиз тақдири қадр-қимматига бўлган эътиборидан дарак бериб турибди.

Ҳафтанинг сешанба куни оммавий-ахборот воситалари саҳифаларида чоп этилган яна бир хабар — санъаткорлар сулоласининг давомчиси Ҳофиз Олланазаровнинг халқимиз маънавий меросининг беқиёс намунаси бўлмиш, қадимий нота ёзуви — «Танбур чизиғи» қўлёзмасини Президентимизга тақдим этгани диққатга сазовор ишлардан бири бўлди. Юртбошимиз бу хайрли ва савобли ишнинг қадрини юксак билиб, санъаткорга мактуб ва эсдалик совғаси йўллади. Бу — мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир одамга, ҳар бир ўзбекистонликка бўлган чексиз меҳри, муҳаббати, уларни бағоят қадрлаши рамзидир.

Ҳафта давомида республикамиз пойтахти, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлишган Япония жамоатчилиги вакиллари иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга ҳарбий асир сифатида келтирилган ватандошлари хотираларига ўрнатилган ёдгорликларни зиёрат қилганликлари замирида ҳам одам қадри деган буюк ва суюк бир тушунчани илғаб олиш қийин эмас. Кунчиқар ўлканинг марҳум фуқаролари мақоми мустақиллик йилларига келиб Ўзбекистонда мутлоқ ўзгарганлиги ўзбек халқининг одамга, одамларга, одам тимсолида — оламга бағри кенглигига, оқибатлигига, дўстлар учун қалби ҳамиша очиқлигига, бир сўз билан айтганда, юксак Инсонийлигига ишорадир.

«Бола кулса — олам кулади» — дейдилар. 1 июнь куни республикамизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш санаси кенг нишонланганига ҳаммамиз гувоҳ. Дарвоқе, дунёда Инсон учун боладан ҳам ширин, азиз, муқаддасроқ нима бор ўзи?! Айни ўша куни Бухорода ўғил-қизларимизнинг бу ҳафта давом этган «Универсиада — 2002» мусобақалари якуни эса юртимиз фарзандларини бир байроқ остига бирлаштирган, дўстлаштирган учрашувлардан бўлди. Президентимизнинг мусобақалар бошланиши олдидан ўйин иштирокчиларига йўллаган табригида: **«Умид қиламанки, бу мусобақалар келажакда ўзбек спортчиларининг жаҳон олимпиадаси шоҳсупаларига кўтарилиши учун бамисоли зинапоя бўлиб хизмат қилади»** — деб таъкидлаши бежиз эмас. Зеро, бу умид ортида Йўлбошчимизнинг одамга, одамларга, одам боласи қадрига бўлган меҳр ёлқинлари товланиб турибди. Мусобақа поёнида ғолиб чиққан ва совринолган ёшлар ҳаётида ўчмас из қолдирган бу тадбир ўз мазмун-моҳияти билан фарзандларимиз камоли, азми-шижоати ва соғ-саломатлигига пойдевор бўлиб, уларнинг халқига, диёрига оташин муҳаббати туйғуларини баравж учқунлатган бўлса не ажаб?!

...Ўтган ҳафта давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтган бошқа воқеалар ва тадбирлар ҳам, олинган хабарлар ва дараклар ҳам ёхуд рўй берган янгиликлар ҳам — бир-биридан хуш, бир-биридан мароқли: диёримизнинг жанубий туманларида жорий йил ғалла ўримига ўроқ тушиб, илғор хўжаликлар маррани барвақт забт этишяпти. Пешқадам туманларнинг пахта пайкалларида ғўза ниҳоллари гулга кира бошлади. Соҳибкорлар етиштираётган сабзавот маҳсулотларини истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб бермоқдалар. Боғ-роғларда турли мевалар кетма-кет пишиб етилмоқда. Яйловларда ем-хашак ўрими қизғин. Қўй-қўзи, сигир-бузоқ, йилқи-қулун, туя-бўталоқларнинг янги-янги отарлари, подалари, сурувлари, уюрлари ташкил топмоқда...

Булар ҳам халқимизнинг руҳияти ва кайфиятига, одамларнинг турмуш тарзи ҳамда қадриятига уйғунлашган, умуминсоний ғояларга чулғанган ислоҳот тамойилларининг олам мунаввaрлигида изчил амалга ошаётганидан ёрқин далолат!

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

БУГУНГИ КУН МАРКЕТИНГИ

Мустақил Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган ҳозирги давр — иқтисодиётнинг барча тармоқларини таркибий жиҳатдан чуқур ислоҳ қилиш ва хўжалик юритувчи барча юридик шахслар фаолиятини маркетинг тамойиллари асосида тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Бу эса маркетинг тамойиллари ва усулларидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан, корхоналар хўжалик фаолиятини бошқаришда кам меҳнат ва харажат сарфлаш орқали харидорларнинг талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга ва юқори самарадорлик билан иш юритиб, фойда олишга ундайди.

Тижорат, ахборот ва рекламанинг рамзи бўлган маркетинг ишлаб чиқаришни бошқаришда катта аҳамиятга эга. Маркетинг — содда қилиб айтганда, товар ва бозорда хизмат кўрсатишни ўрганиш ва таҳлил қилиш ёки бозоршунослик маъносини билдиради.

Маркетингда пировард мақсад, бозорда аниқ бир истеъмолчини кўзлаш, рақиблар ва рақобат усулларини ўрганишдир. Чунки, бозор талабини яхши билиш ва уни синчиклаб ўрганиш — корхона маҳсулотини режалаштириш, лойиҳалаштириш, яратиш ва ишлаб чиқаришни истеъмолчи талабига мувофиқ амалга ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, маркетинг фаолиятини амалга оширишда маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш ва керакли бозор инфратузилмаларини ишлаб чиқиб, уларни ривожлантириш лозим. Бу хил инфратузилма ижтимоий инфратузилмаларни ишлаб чиқишдан фарқли ўлароқ, маркетинг жараёнини амалга оширишни яхши йўлга қўйиш учун шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ. Улар таркибига турли хил иншоотлар, алоқа, маданий-маиший соҳалар каби маркетинг фаолиятига шароит яратувчи соҳалар киради. Ҳар хил компьютер дастурларининг пакетлари, ахборотлар узатиш, қайта ишлаш, сақлаш, асбоб-ускуналар, илмий-техника воситалари ва бошқалар ҳам шулар жумласидандир.

Бугунги кунда ижтимоий йўналишдаги маркетинг хизматини истеъмолчига яқинлаштирадиган тизимларни, маркетинг-микс тактикасини қўллаш давр талабидир. Ўзбекистон эркин бозор муносабатларига ўтар экан, барча тармоқ корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичи — фойда олиш бўлиб қолмоқда. Бунда маркетинг фаолиятидан кўзланган мақсад — миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини, юридик ва жисмоний шахсларни, умуман, ҳар қандай харидорларни барча турдаги маҳсулотлар ҳамда уларга хизмат кўрсатиш билан тўла ва рационал (омиллар) тарзда бозор орқали таъминлашга эришишдан иборат.

Ҳозир нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда маркетинг масаласида ижтимоий-ахлоқий йўналишга кўпроқ урғу берилиб, барча корхоналар ўз фаолиятини ушбу мақсад ва йўналишга мос равишда такомиллаштирмоқда. Ҳозирги замон маркетинги истеъмолчиларга юксак хизмат кўрсатиш ва фақат фойда олиш билан қаноатланмай, жамият фаровонлигини таъминлаш ва ошириш каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий маркетинг концепциясини яратишга ва амалиётда қўллашга асос бўляпти. Унинг моҳияти — барча режа-ю ҳаракатлар инсонга, унинг фаровонлигига қаратилмоғи лозим, деган назарияга асосланади. Афсуски, бизда ижтимоий-ахлоқий маркетинг қўйган талабларга хилоф ишлар ва ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Буларнинг ҳаммаси собиқ социалистик тузум ва унинг иқтисодиёти асоратларидир.

Лекин бугун биз бор моддий-техника базаси заминида Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтказишимиз, бу сиёсатнинг асосини ташкил этувчи маркетинг фаолиятини, айниқса, ижтимоий-ахлоқий маркетинг хизматини йўлга қўйишимиз зарур. Зеро, маркетинг истеъмолчининг фақат бугунги талабларини қондиришгагина эмас, балки узоқ истиқболга мўлжалланган манфаатларга ҳам хизмат қилиши керак.

■ **Динара АҲРОРОВА,**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистри.

ПАРТИЯ ВА ҲАЁТ

БОЛАЛАР БАХТИ — БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

БУНИ ҲАР ДОИМ ҲИС ЭТИШИМИЗ, АНГЛАШИМИЗ ЗАРУР

Энг гўзал хотирот — болалик. Энг самимий битик — болаликни соғиниб ёзилган шеър... Зотан, инсон умрининг бу фасли беғуборлик ва беғаразлик дунёсига мансуб. Ана шу дунё аслида киши ҳаётининг асосий моҳияти ҳисобланади.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва туман кенгашлари ташкилотчилигида бир талай тадбирлар ўтказилдики, буни эътироф этмаса бўлмайди.

Республика болалар суяк сили санаторийсида «Ўзбекрақс» бирлашмаси қошидаги Мукаррама болалар рақс студиясининг концерти ташкил этилди.

Ватан, истиқлол ва болаликни тараннум этувчи тароналар ёш кўнгилларга бироз бўлсада ёғду таратди. Буни биз уларнинг юзига, кўзига разм солиб билдик.

— Мазкур санаторийда болаларни даволаш билан биргаликда Халқ таълими вазирлиги чиқарган дастури асосида болаларга сабоқ бериб борилади, — дейди санаторий директори Азиза Турсунова. — Бу ерда тадбирлар корхона, ташкилотлар ҳомийлигида ўтказиларди. Яқинда Тошкент кабель заводи 500 минг сўмлик ёрдам қилди. Бугунги концертни эса Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек тумани кенгаши ташкил этди.

— Болажонларимизнинг хурсандчилигини кўриб, тўғриси, ўзимиз ҳам ҳаяжоланиб кетдик — дейди ХДП Мирзо Улуғбек тумани кенгашининг биринчи котиби Раъно Сатторова.

Юнусобод туманидаги 21-Мехрибонлик уйида ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбир кўтаринки руҳда ўтди.

Бу ерда болалар 5-синфгача ўқишади. Ундан кейин бошқа мактабларда таҳсил олишади. Шу куни худди шундай — 5-синфга кўчган 12 нафар битирувчиларга «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти томонидан совға сифатида ажратилган кийим-кечаклар тарқатилди. Меҳрибонлик уйининг барча тарбияланувчиларига эса ширинликлар улашилди. Бу тадбирларга ХДП Юнусобод туман кенгашининг масъул ходимлари ташкилотчилик қилишди.

— Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни «Боғи эрам» болалар боғида катта байрам тантаналари бўлиб ўтди, — дейди «Меҳрибонлик уйи» директорининг ўқув тарбиявий ишлар бўйича муовини Малика Баҳриддинова. — Тантана сўнггида уларга шаҳар ҳокимлигининг совғаси — ёзги кийим-кечаклар тарқатилди.

Бектемир туманидаги ногирон болалар реабилитация марказида тасвирий санъат клуби иштирокчиларининг «Гиёҳвандликнинг олдини олиш» мавзуида расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Болаларнинг тафаккур дунёси, мантиқий фикрлаши кўпчиликнинг ҳайратига сабаб бўлди. Катталар гоҳ қувониб, гоҳ ҳайратландилар. Тарбияланувчилар учун ҳар хил ўйинлар ташкил этилди, томоша ва концертлар уюштирилди. Реабилитация марказининг барча даволанувчилари Бектемир туман ХДП кенгаши тайёрлаган эсдалик совғалар билан сийланди.

Болаликнинг дунёси катта. Энг шаффоф туйғулар, бетакрор эсдаликларнинг манзили — болалик. Ҳар биримиз болаликнинг манзили сари бир лаҳза қайтмоқчи бўлсак, фарзандларимиз кўзига боқайлик. Уларнинг бахтиёрлигини таъминлайлик. Зотан, фарзандларимиз бахти — бизнинг бахтимиз.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

✧✧✧

Суратда: Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбиячилари ва тарбияланувчилари.

ТАДБИРКОРГА КЎМАКДОШМИЗ...

— Банк кўмакка келди-ю ишимиз юришиб кетди, — дейди хусусий тадбиркор Шавкат Мустафоқулов. Қандай қилиб, дейсизми? «Халқ банки» Жиззах шаҳар бўлимидан 2 миллион сўм кредит олдик ва уни тадбиркорлик билан боғлиқ ишларга сарфладик...

Банкдан 3 миллион 400 минг сўм кредит олиб, фаолиятларини кенгайтиришга йўналтирган хусусий тадбиркор Зокир Маматқулов ҳам банкирлар хизматидан мамнун эканлигини изҳор этди.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида кичик ва ўрта тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга 570 миллион сўм кредит маблағлари ажратдик, — дейди банк операцияси бўлими бошлиғи Фурқат Аҳроркулов. — Насиб этса, келгусида унинг миқдорини кўпайтириб, мижозлар учун янада кенг имкониятлар яратамиз. Бир сўз билан айтганда тадбиркорга кўмакдошмиз.

✧✧✧

Суратларда: «Халқ банки» Жиззах шаҳар бўлими бухгалтерия ва ҳисобот бўлими ходимлари; банк мижозлари.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

СУД «ТАҲРИРИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтказилган хизмат суриштируви якунида Ортиқов Ҳ.С. томонидан йўл қўйилган жиддий хато-камчиликлар, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қисман тасдиқланганлиги сабабли ДСҚнинг 2001 йил 18 июндаги 219шт-сонли буйруғи асосида Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчиси лавозимидан ДСҚ ихтиёрига, яъни олдинги лавозимига қайтарилган».

Афсуски, жавоб хатида барчага маълум гаплар қайта-қайта такрорланибди-ю, мақолада эътироз билдирилган ўринлар ҳақида лом-мим дейилмабди. Холбуки, гап вилоят бошқармаси, қўмита ҳақида кетаётганлиги сабабли бунга алоҳида эътибор қаратилади, деб ўйлагандик. Қолаверса, солиқ хизмати ходимининг қадр-қиммати, обрў-эътибори, шаъни, тақдири газетадан кўра Солиқ қўмитасидагиларни кўпроқ ўйлантирса керак деб ўйловдик. Қўмитада касабақўм, ҳуқуқий хизмат бўлими бор, улар лоақал буйруқни қўлларига олиб, унга қонун кўзи билан қарайдилар, дея умид қилгандик.

Биз хабар шаклидаги қуруқ жавоб хатдан эмас, фуқаро манфаатига, унинг тақдирига, ҳуқуқларига бепарволикдан таажжубдамиз. Юртбошимиз фуқаро тақдирига эътибор билан қараш курсида ўтирган ҳар бир раҳбарнинг биринчи галдаги вазифаси эканлигини тез-тез такрорлайдилар. Раҳбарлик фуқаро манфаатини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқларига доимо эътиборли, огоҳда бўлиши деганидир. Айниқса, инсон тақдири ҳақида гап кетаётганда ўйлаброқ, чуқур ўрганиб, мулоҳаза билан гапириш, аввало раҳбарнинг вазифасига кирмайдими?

Хатда «ДСҚ ихтиёрига, яъни олдинги лавозимига қайтарилган», деб айтилаяпти. Агар шундай бўлганда, Ҳ.Ортиқов шу бугунгача ҳуқуқларини тиклаш учун мурожаат қилиб юрмаган, бинобарин мақола ҳам чоп этилмаган бўларди.

Қолаверса, «олдинги лавозимига қайтарилсин» деган таҳрир орадан олти ой ўтиб, суд залида амалга оширилганини мақолада танқид қилганмиз. Мақола ўқилмабди, шекилли?

Жавоб хатидаги «Ходимлардан аризалар, шикоятлар келиб тушган» деган сатрларга эътибор беринг. Ўша шикоят ёзган уч ходим — таъмагирлиги ошкор бўлган Р.Сафаров, мансабини суиистеъмол қилиб тадбиркорлар ҳисоб рақамини ноқонуний текширган Р.Даминов ва У.Сатторовлар ҳақида мақолада етарлича маълумот берилган эди. Р.Сафаровга нисбатан шу йилнинг февраль ойида 1 миллион сўм пора олганлиги учун жиноят иши қўзғатилганлиги ҳам, ўша пайтда Р.Даминов ва У.Сатторовга жамоа ишончсизлик билдиргани ҳам мақолада айтилган. Ваҳоланки, уларни тийиб қўймоқчи бўлган Ҳ.Ортиқов айнан ўшаларнинг аризалари асосида лавозимидан бўшатилибди... Ҳ.Ортиқов уларнинг мушугини пишт демаганида, эҳтимол лавозимидан кетмасди, улар билан «тил топишиб» юраверишиҳам мумкин эди. Лекин у бундай қилмади. Ўз ходимининг ноқонуний хатти-ҳаракатига қатъий қарши чиқди. Бундай раҳбарни қўллаб-қувватлаш, уни тухмат тошларидан ҳимоя қилиш ўрнига негадир солиқ қўмитаси раҳбарлари уни ишдан олишни маъқул кўришди. Нега?

Жавоб хатида Э.Гадоев қўмитанинг 219-сонли буйруғидаги «ўзининг ноўрин хатти-ҳаракатлари, нотўғри бошқарув услублари билан жамоа маънавий-психологик муҳитини кескинлаштирган, жамоа орасида меҳнат ва ижро интизомини сусайтириб юборган» деган мақолада чиппакка чиқарилган сохта важларни истиҳола қилмасдан такроран, мавҳум тарзда санаб ўтяпти.

Аниқроқ гапирилса яхши бўларди. Масалан, Ҳ.Ортиқов қайси ноўрин хатти-ҳаракатларни содир этган? Унинг нотўғри бошқарув услуби қандай эди? Маънавий-психологик муҳит бузилганлигининг қандай исботи ёки мезони бор? Жамоада меҳнат ва ижро интизоми сусайган бўлса, бошқарма қандай қилиб меҳнат унумдорлигини 221,7 фоизга оширди? Қандай қилиб Ҳ.Ортиков бўшашидан 15-20 кун илгари чиқарилган қўмита ахборотномасида Қашқадарё ССХБККБ фақат илғорлар сафида саналди? Молия вазирлиги ва айнан Солиқ қўмитаси ходимлари томонидан вилоят ДСБ ва ССХБККБ ўртасидаги ҳамкорлик ўрганилганда (Ҳ.Ортиқов бўшатилишидан бир ой олдин) нега бошқарма фаолияти кўрсаткичлари юқори баҳоланди? Ёки ижро ва меҳнат интизомига боғлиқ бўлмаган кўрсаткич ё натижалар борми? Жамоада бошқарув нобоп бўлса, меҳнат ва ижро сусайса, муҳит бузилса, юқорида кўрсатилган ютуқларга қандай эришиш мумкин? Мантиқ қани?

Ахир меҳнат унумдорлиги нисбатан қисқа вақт ичида 221,7 фоиз ошди, қўшимча миллион-миллион сўмлик солиққа тортилувчи базалар топилди-ку! Эҳтимол, айнан ана шундай талабчанлик, ўзгаришлар кимларгадир ёқмаган бўлиши мумкин...

Дарвоқе, яқинда бўлиб ўтган Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов коллегияси томонидан буйруқдаги **«ходимлар орасида ўзининг ноўрин хатти-ҳаракатлари, нотўғри бошқарув услублари билан жамоада маънавий-психологик муҳитнинг кескинлашувига олиб келганлиги»** тўғрисидаги ибора меҳнат қонунларида мавжуд эмаслиги учун Олий суд раиси ўринбосари Б.Жамолов протестига асосан чиқариб ташланди. Демак, буйруқдаги ўша бурама сўзлар ҳуқуқий жиҳатдан хато бўлиб чиқди.

Бу суд идорасида Солиқ қўмитасининг 219-сонли буйруғи иккинчи бор «таҳрир» қилинишидир.

Афсуски, ўша буйруқ Ҳ.Ортиқовнинг тақдирини ҳал қилиб қўйганига яқинда бир йил бўлади. Бу орада у қанча маънавий озор чекди, асаблари қақшади.

Шу ўринда савол туғилади: ўша буйруқдаги бурама сўзлар меҳнат қонунчилигида ишлатилмаслиги Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди (судья Д.Абдиқодирова), Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъати (судьялар Х.Жузбанов, А.Усмонов, Ф.Ҳусанова) ва Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича суди раиси К.Комиловлардан ўтиб-ўтиб, охири Олий судда маълум бўлдия! Ажабо, улар буни билмаган, меҳнат қонунчилигини яхши ўрганишмаган ёки уларнинг малакаси кам деб ўйлаймизми? Ёхуд Олий суд билан қуйи суд қонунларни бошқа-бошқа китоблардан ўрганишганмикин?

Йўқ, судьяларнинг малакалари етарли, қонунни ҳам яхши билишади. Бунга сира гумонимиз йўқ. Аммо... ким билади дейсиз, кимларнингдир топшириғини бажаришадими, масъулиятсизлик қилишадими, хуллас, ҳар хил қарорлар чиқиб қолаверади. Қизиқ, қонунни билмасликка ёки ҳар хил талқин қилишга, ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндошиши натижасида фуқароларни сарсон-саргардон қилишга кимнинг ҳаққи бор?

А.Бобоқулов раислик қилган Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳам юқоридаги «таҳрир» билан чекланиб, 219-сонли қарор мазмунан тўғри чиқарилган, деган фикрга қўшилди. Мақоладаги қуйи судлар томонидан эътиборга олинмаган ўринларга Олий суд ҳам эътироз билдирмаганини айтмай кўя қолайлик. Фақат 1998 йил 17 апрелдаги судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақидаги 12-сонли ўз пленуми қарорини нега бажармаганлигини тушуниш қийин. Ушбу қарорнинг 4-5-бандига кўра, ходим билан муддатли меҳнат шартномаси фақат иш муддатли характерга эга бўлса, ходим меҳнат ва ижтимоий таъминотга чиққан ҳолларда ҳамда муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг манфаатларига мос келгандагина тузилиши мумкин, холос.

Қўмита қайта-қайта такрорлаётган «биз Ҳ.Ортиқовни маълум муддатга ишга юборганмиз (буйруқда муддат қани?), шунинг учун қайтариб олдик», деган важлари пленум қарорига тўғри келмайди-ку! Аввало, МКнинг 76-моддаси талаблари бажарилмаган. Сўнгра мавжуд ҳолат Ҳ.Ортиқов билан қўмита ўртасида муддатли меҳнат шартномаси тузишга монелик қиларди. Чунки, Қашқадарё вилоят ССХБККБ бошлиғи бўш ўрин бўлиб, у муддатли характерга эга эмас. Пленум қарори талабидан келиб чиқсак, юқоридаги ҳолатларнинг бирортаси инобатга олинмаса ҳам ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси бекор бўлади ва у номуайян муддатга тузилган ҳисобланади.

Демак, Ҳ. Ортиқов билан тузилган 119-сонли шартнома пленум қарори асосида доимий ишлашга тузилди, деб топилиши зарур эди. Ва 219-буйруқнинг судлар томонидан таҳрир қилинишига ҳожат қолмасди...

Олий суд пленумининг бу қарори Олий суд томонидан бажарилмади, у ёкда турсин, Ҳ.Ортиқов пленум қарори бўйича ҳуқуқи ҳимоя қилинишини талаб қилиб турса-да, бунга эътибор берилмади.

Ҳ.Ортиқов неча ойдан бери ҳуқуқимни тиклайман, деб овора-ю сарсон бўлиб юрибди. Унга лавозим эмас, ҳақиқат керак. Бу орада у икки бор шифохонада ётиб чиқди. Қон босими, асаб дардини орттирди, соғлигидан айрилди. У қайси айбларни учун бундай асаббузарлик ва саргардонликка мубтало бўлиши керак? Нега унга ҳақиқатни топиш учун шунча узоқ вақт керак бўлаяпти?

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

КУЛГИ БАЙРАМИ

Қўқон шаҳрида қизиқчи ва аскиячиларнинг анъанавий бешинчи республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республикамизнинг тўққиз вилоятидан келган юздан ортиқ қизиқчи, сўз устаси ва аскиячилар танлов ғолиблиги учун курашда ўз маҳоратлари, санъатларини намойиш этдилар. Уч кун давомида қўҳна Ҳўқанди Латиф ичакузди аскиялар, қизиқчиликлар нашъасида яна ҳам нурафшон бўлди, десак хато қилмаймиз.

Томошабинлар олқишлари остида ўтган қизиқчилик ва миниатюра санъати намойишларидан сўнг биринчи ўринга бухоролик Шуҳрат Қодиров ва Андижондан «Сўтақўзи» халқ миниатюра театри жамоаси муносиб топилди.

Аския санъатида эса Қўқон шаҳридаги «Пўлат қизиқ» аскиячилар гуруҳига тенг келадиган жамоа топилмади. Қорақалпоғистонлик Нурбек Ҳасанов, хоразмлик Зеринбой Собиров, жиззахлик Зоирбек Шоматов, Намангандан «Ханда» гуруҳи, тошкентлик Турдали ва Асқарали Пардаевлар, фарғоналик Хотамжон Тешабоев, сирдарёлик Абдураззоқ Ўсаровлар фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Бу галги кўрик-танловда бир қатор янги мукофотлар жорий этилди ва эгаларига топиширилди. Масалан, республика телерадиокомпанияси режиссёри Баҳром Юсупов «Аския ва қизиқчиликни тарғибот қилгани учун», Навоий шаҳри аскиячилари гуруҳи «Илк дебют учун», қўқонлик сўз устаси Жўрахон Пўлатов «Энг кекса ижрочи» каби мукофотларга сазовор бўлдилар.

Анъанавий кўрик-танлов нафақат вилоят, балки республика маданий ҳаётида ўзига хос ижобий воқеа бўлди, аския ва қизиқчилик санъатининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

УЧ АСРНИ КЎРГАН ОТАХОН

Сариосиё туманининг Сарижар маҳалласида уч аснинг гувоҳи бўлган Ҳайит бобо Норов истиқомат қилади.

— 1893 йилда туғилганман, — дейди отахон. — Икки нафар фарзандим бор. 52 невара, 32 чевара ва икки эвараниング бобосиман. Болам, умргузаронликда не-не кунларни кўрмадим-а? Очарчилик, урушлар...

Инсон боши тошдан, деганлари рост экан. Юртимиз ҳур бўлди, озодликка эришдик. Бугун биз қариялар учун ҳам янги замон бўлди, десам асло янглишмайман. Айниқса, бу йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши мени ёшартириб юборди. Қаранг, яқинда яна иккита янги тиш чиқди, — дейди Ҳайит бобо кулиб.

— Отам асосан сут, қатиқ ва қайнатилган сув истеъмол қиладилар, — дейди Ҳайит бобонинг фарзанди, 76 ёшли Саид бобо Норов. — Боғимизни айланишни хуш кўрадилар. Эрта туриб, кеч ётадилар.

Узоқ умр кўришнинг асосий сири — ҳалол меҳнат, тоза ҳаво ва тўғри овқатланишда бўлса керак. Ҳозир Сариосиё туманида 54 нафар юз билан юзлашган, 160 нафар тўксон билан тўқнашган ва 80 ёшдан сакраган 501 пиру бадавлат отахон ва онахонлар истиқомат қилишмоқда.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МИЛЛАТ ВА ТАРИХ

ЯНА ҲИНД СОРИҒА...

Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция Темурийлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг ҳукмдор, ижодкор авлодлари қолдирган бой илмий, тарихий, бадиий меросларини чуқур ўрганиш мақсадида қилган сафарлари мобайнида Осиё ва Африка қитъаларидаги кўплаб мамлакат ва юртларни кезиб чиқди.

Экспедиция аъзоси, шоир Қамчибек Кенжанинг «Ҳинд сориға» деб номланган китобида ана шундай сафарлардан бири ҳақида ҳикоя қилинган эди. «Яна ҳинд сориға» асари ўша сафарноманинг мантиқий давоми бўлиб, унда Қирғизистон, Хитой (Қашқар), Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон ва Туркманистон мамлакатларининг ўзига хос табиати, одамларининг яшаш тарзлари, урф-одатлари, сафар давомидаги машаққатлар ва бошқа саргузаштлар ўз ифодасини топган. Айни вақтда Бобурийлар ҳаёти ва жанглари билан боғлиқ шаҳар ҳамда кентларнинг тарихи ва ҳозири, Бобурий подшоҳлар яратган мўъжизавий обидалар, боғлар насру назмда ҳайрат ва ҳаяжон билан тасвирланади.

Қуйида эътиборингизга ана шу сафарномадан боблар ҳавола этилмоқда.



ҚАДРДОН АГРА. ЗЕБУНИСОНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Агра. Бу тарихий шаҳарнинг Бобурийлар ҳаётида алоҳида ўрин тутганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда Самарқанд, Бухоро, Хивамиз каби ёдгорликларга бой ва зиёратгоҳ Аграда Бобур Мирзонинг сўнгги тўрт йиллик умри кечган. Иқлими ва бошқа жиҳатларидан подшоҳлик қароргоҳи учун мос деб, Бобур шу жойни танлаган, боғлар барпо қилган, уни Ҳиндистоннинг кўркам ва обод марказига айлантирган. Қатъиятли, ўз обрўйи ва шаънига эга бўлган шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур тайёр пойтахт (Деҳли)дан фойдаланишни, яъни ўзгалар қазиган ариқдан сув ичишни ўзига номуносиб билган.

Биз Агра зиёратини шаҳарга кираверишда, йўлнинг чап томонидан бир қарашда ярқ этиб кўзга ташланадиган Акбаршоҳ қалъасидан бошладик. Азалда қалъанинг тўртта дарвозаси бўлган, ҳозир жанубдагисидан кирилади, қолган уч дарвоза фойдаланилмагани учун эътиборсиз, қаровсиз ҳолатда...

Ҳиндистон халқларининг миллий қаҳрамони, севимли, эъзозли подшоҳ даражасига кўтарилган Жавоҳарлаъл Неру юксак баҳолаган, «Буюк Акбар», «Халқ подшоҳи» унвонларига сазовор бўлган Акбаршоҳ бу муаззам мамлакатда кўп улуғ, ҳайрли ишлар қилган, боғлар яратган, қалъа, истеҳкомлар қурдирган. Умуман, Ҳиндистонда Акбаршоҳ номи билан шаҳарлар, тарихий ёдгорликлар кўп. Ҳинд ва инглиз шарқшунос-бобуршуносларининг китобларида ҳам Акбаршоҳ ҳаёти ва ҳукмдорлик фаолиятига жуда кенг ўрин берилади.

Искандария (уни Сикандра деб ҳам ёзишади) мавзеида жойлашган Акбар мақбараси ўғли Жаҳонгиршоҳ томонидан қурдирилган бўлиб, «бу Ҳиндистонда темурий шоҳлар барпо этган тарихий меъморчилик обидалари ичида энг сервиқор ёдгорликлардан бири ҳисобланади» (Л.Шарма.) Мақбара бугунги кунда ҳам нафақат Агра, балки бутун Ҳиндистондаги саёҳатчилар билан ҳамиша гавжум бўладиган зиёратгоҳлардан биридир. Қалъа хиёбонлари хорижликларни аввало оч яшил майсазор ва палмалар билан ўзига жалб этади. «Бобурнома»да зикр қилинган гўзал жайронларнинг солланиб юришлари, зангори тўтиларнинг дарахтдан дарахтга учиб-қўнишлари кўзингизни яшнатади, дилингизни яйратади.

Самарқанд обидалари услубида қурилган нақшли мақбара қалъа-боғнинг ўртасида қад кўтарган. Унин:г ичида Акбаршоҳ, унинг хотинлари, қизлари Оромбону, Шукриниса ва бошқа яқинлари дафн этилган эди.

Мақбара биносининг таг томони оқ мармардан, девор-устунларининг сиртқи қисмига берилган қизил ранглар ўнгиб кетган, томнинг тўрт бурчагидаги остки қисми қизғиш миноралар қорая бошлаган. Томнинг ўртасидаги оқ мармардан тикланган ўндан ортиқ гумбаз хийла дуруст сақланиб турибди.

Бинонинг чап ёнбошида, очиқ майдонда ҳам бир неча сағана тоши бор эди, улардан бирини Аврангзебнинг қизи, ўша машҳури жаҳон шоира, асл қабри қаерда эканлигини узил-кесил аниқлай олмаётганимиз — Зебунисобегимники, дейишганди, ҳайрон бўлиб қолдик.

Аввалги сафар, яъни 1993 йили келганимизда бу гапни эшитмагандик. Қолаверса, Зокиржон ака ва бошқалар кейинги экспедиция пайтида Зебунисобегимнинг қабр-мақбараси Лохурдалигини «аниқлашган» эди. Бу ерда тайинли сайрбон (гид) йўқ, ўзини таклиф этаётганларнинг унда-бундан қулоғига тушиб қолган норасмий ахборотлардан бошқа маълумотга эга эмаслиги билиниб турарди. Қизиғи, улар биз билан озгина бирга юриб, кимлигимизни, ниятимизни англашгач, бобурийлар (улар «мўғуллар» дейишади) ҳақида бири боғдан, бири тоғдан гапларни айтишди. Ана шундайларнинг бир нечтасидан Неъматилло қайта-қайта сўраб-суриштириб кўрди. Ажабки, ҳаммаси «ҳа, Зебуносининг қабри шу», дейишди. Лекин «қайси Зебунисо — Аврангзеб оламгирнинг қизи, шоира Зебунисоми?» деб сўрасангиз таваккалдан «ҳа!» дейишади.

Йўлга чиққанимизда Зокиржон ака сафар давомида учта жумбоқ — саволга жавоб излашимиз ва топишимиз керак, деб вазифа қўйган эди. Яъни:

1. Зебунисобегимнинг қабри аслида қаерда бўлган? Мабодо, Лохурдаги қабр чиндан ҳам ўша Зебунисоники бўлса, у қачон, ким томонидан қўрилган?

2. Акбаршоҳ Деҳлида Хонзодабегимни дафн эттирган, дейишади. Ўша қабр қаерда?

3. Ҳасан Абдол шаҳридаги улкан бир қабр тошини Бобур Мирзонинг қизи Лоларухбегимники, деган оғзаки маълумот бор. Шу ростми? Агар рост бўлса «Бобурнома»да ва бошқа манбаларда нега бу исм тилга олинмаган?..

(Давоми 4-бетда)

ЯШИЛ МАЙДОНДАГИ «СПЕКТАКЛ»ЛАР

Мана беш кундирки, Япония ва Жанубий Корея ўйингоҳларида жаҳон кубоги учун қизғин ва муросасиз учрашувлар давом этмоқда. Бугунгача мухлислар 11 та учрашувни томоша қилдилар. Ашаддий ишқибозларнинг телевизор экранлари ёнидан жилолмай қолишгани табиий. Кунига 3 та, ҳатто 4 тадан ўйин томоша қилишга тўғри келаяпти. Жаҳон чемпионати арафасида ФИФА конгресси бўлиб ўтди. Халқаро футбол федерациясининг президенти учун сайловда яна омад Йозеф Блаттерга насиб этди. Демак, Блаттер яна тўрт йил мобайнида жаҳон футболига раҳбарлик қилади.

Маълумки, биринчи учрашувда жаҳон чемпионларини доғда қолдирган Сенегал футболчилари ўз ғалабалари билан Африкада футболни ривожлантириш бўйича катта ўзгаришлар бўлаётганини амалда исботлашди. Чемпионлар эса мағлубият аламини майдонга тушмаган асосий ўйинчи — Зинедин Зидан номи билан боғлашмоқда. Гўёки, бу моҳир футболчи оёғидан лат емай, шу ўйинда иштирок этганида французларнинг омадлари юришар экан. Ирландия — Камерун учрашуви ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бу ўйин 1:1 ҳисобида дуранг бўлди. Уругвай — Дания учрашуви эса 43 мингдан зиёд томошабинга мўлжалланган «Ульсан» стадионида ўтказилди. Данияликлар танаффусга чиқиш олдидан ҳисобни очишди. Иккинчи тайм бошида эса уругвайликлар ҳисобни тенглаштиришди. 83-дақиқада Даль Томассон дарвозага иккинчи тўпини киритиб, данияликларга ғалаба келтирди.

Асосан ўз футбол клубларидан сараланган терма жамоа билан майдонга тушган германиялик футболчилар Саудия Арабистони жамоаси билан учрашувда дарвозага тўп уриш «машқи»ни бажаришди, десак муболаға бўлмас. Боиси, биргина Марко Боде Клозе дарвозага 3 та тўп киритиб, чемпионатнинг дастлабки «хет-трик»ка эришди. Араблар дарвозадан жами 8 та тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди. Жаҳон чемпионатида бунақаси камдан-кам бўлади.

Парагвай — ЖАР учрашувида чемпионатнинг дастлабки 11 метрлик жарима тўпи амалга оширилди. Ўйин 1:0, 2:0, 2:1 бўлиб турганда ҳакам парагвай футболчилари йўл қўйган хатони ҳазолаб, пенальти белгилади. Бу тўпни Куинтон Форчун амалга ошириб, ҳисобни 2:2 қилди.

Испания — Словения учрашуви 3:1 ҳисобида тугади. Англия — Швеция 1:1 бўлди. Аргентина — Нигерия учрашувида эса Жанубий америкалик Габриэль Батистута 69-дақиқада киритган ягона тўп ғалаба келтирди. Бу билан Габриэлнинг жаҳон чемпионатларида киритган жами тўплари ўнтага етди.

Умуман, бу сафарги жаҳон чемпионатида илк марта, биринчи марта деган иборалар кўпроқ ишлатишга тўғри келмоқда. Боиси, янги асрда ўтказилаётган илк чемпионат, Осиёда биринчи жаҳон футбол байрами, қолаверса, икки мамлакатда уюштирилгани, дастлабки ўйиндаёқ чемпионнинг енгилиши ёки биринчи марта қатнашаётган жамоанинг ғалабаси қолаверса, дастлабки 11 метрли жарима тўпи, хет-трик, финалда илк бор 32 жамоани қатнашаётгани, ҳатто хоккейни эслатувчи ҳисобнинг қайд этилиши ҳам мухлисларни ҳайратга солмоқда.

Кеча ўтказилган учта ўйиндан мухлислар мамнуният ҳосил қилдилар. Хусусан, «G» гуруҳидаги Хорватия — Мексика учрашувида дарвозага йўлланган ягона тўп Америка қитъаси вакилларига ғалаба келтирган бўлса, Италия — Эквадор жамоалари баҳсида Оврўпа футболининг устуворлиги кўзга ташланди. 7- ва 27-дақиқаларда Въери киритган тўплар италияннларни олдинга олиб чиқди. Зеро, «С» гуруҳидаги дастлабки ўйин — Бразилия — Туркия учрашуви зўр бўлди. Қизиғи шундаки, бу ўйинда ҳисобни турклардан Ҳасан Шош очди. 50-дақиқада Рональдо ҳисобни тенглаштирди. 87-дақиқада 11 метрли жарима тўпини Ривалдо киритиб Бразилияга ғалаба келтирди.

Бугун Осиё жамоалари ҳам майдонга тушадилар. Хусусан, хитойликлар Коста-Рика жамоа билан майдонга тушса, мезбонлардан бири — Жанубий кореяликлар эса Польша ўйинчилари билан рўбарў бўлади. Иккинчи мезбон — Япония футболчилари эса Бельгия жамоасига қарши тўп сурадилар. Ўйлаймизки, бу учрашувлардан кейин 8 гуруҳда биттадан ўйин ўтказилган бўлиб, кўрсатилган натижалар эса қайси жамоанинг имкониятлари қандайлигини чамалашга имкон беради. Нима бўлганда ҳам яна бир неча кунлардан кейин ғолибликка даъвогарлар кўзга ташланиб қолса ажабмас.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

XORIJDA

ҚИРОЛ ТАШРИФ БУЮРАДИ

Непал қироли Гянендра Ҳиндистон — Покистон ўртасидаги можароли вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасида музокаралар олиб бориш учун Ҳиндистонга ташриф буюриши кўзда тутилмоқда. «Қирол ҳазрати олийлари Гянендра Бир Бикрам Шоҳ Дев ва қиролича Камол Рожия Лахми Дева Шоҳ 23 июндан 28 июлгача давлат ташрифи билан Ҳиндистонда бўладилар» дейилади қирол саройининг матбуот хизмати тарқатган хабарда.

Бундан 4 йил аввал Непалга ташриф буюрган Ҳиндистон Президенти Кочерил Роман Нараянан таклифига биноан қирол ва унинг рафиқаси Ҳиндистонда бўлади. Ташриф режалари ҳақида ҳозирча тўлиқ маълумот тарқатилмаяпти, дея хабар беради Reuters агентлиги.

ШИФОКОРЛАР ОГОҲЛАНТИРАДИ

Приморье ўлкаси тиббиётчилари маҳаллий аҳолини Хитойдан кириб келиши мумкин бўлган безгакдан огоҳ бўлишга чақирмоқда. Давлат санитария-эпидемиология назоратининг алоҳида хавфли инфекциялар маркази бўлим мудири Ольга Борисованинг таъкидлашича, Хитойнинг тўрт жанубий вилояти — Гуйчжоу, Фудзян, Хайнан ва Юнан вилоятларида тропик безгак қайд этилган. Шунинг учун Хитойга йўл олган барча тижоратчилар, сайёҳлар, ишбилармонлар, албатта, шифокорлардан керакли маслаҳат ва кўрсатмаларни олиб, сўнг чегарадан ўтишлари лозим, дейди О. Борисова.

ЁНИЛҒИ ҚИММАТЛАШДИ

Приморье ўлкасидаги «Приморьенефтепродукт» йирик ёнилғи компанияси 1 июндан ёнилғи нархини 11-12 фоизга оширди. Компания бош директори Владимир Масловскийнинг айтишича, «А-76» бензинининг бир литри энди 7 рублу 50 тийин бўлди, яъни 90 тийинга қимматлашди. «АИ-92»нинг бир литри эса 9,5, «АИ-95» — 10,5 рублга сотилмоқда. Дизель ёнилғисининг бир литри эса 8 рублу 60 тийин қилиб белгиланди.

Компания ёнилғи нархини оширишига сабаб, нефть маҳсулотларини етказиб берувчилар — Ангарскдаги нефткимё комбинати, шунингдек, Хабаровск ва Комсомолск-На-Амурдаги нефтни қайта ишлаш заводлари ўз маҳсулотлари нархини 15 фоизга оширганидир.

СУИҚАСДНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Филиппин махсус хизмати мамлакат президенти Глори Макапагал Арройога уюштирилаётган суиқасднинг олдини олишга муваффақ бўлди. Гап шундаки, ҳукумат маъмуриятининг хабар беришича, ҳукумат қўшинлари билан маҳаллий гуруҳлар ўртасида ўзаро жанг кетаётган Басилан оролига президент учмоқчи бўлиб, аэропортга борганида унинг хавфсизлигини таъминловчи махсус хизмат вакиллари одамлар орасида ўзини сездирмасликка ҳаракат қилаётган шубҳали шахсни қўлга олдилар. Бу шахс террорчиларнинг «Абу Сайяф» гуруҳи вакили бўлиши мумкин, деган тахмин илгари сурилмоқда. Дарҳақиқат, у айнан президент учиши кўзда тутилган Исабела шаҳридаги вертолётлар учиш майдонида изғиб юрганди. Бошқа маълумотлар ҳозирча ошкор этилмаяпти.

ЯПОНИЯ КЎЧАЛАРИДА

АҲОЛИ БЎРОНДАН ЗАРАР КЎРДИ

Кемерово вилоятида юз берган қаттиқ бўрондан зарар кўрган уй-жойларни қайта тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Вилоят фуқаро мудофаси ва фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси тарқатган манбаларда ёзилишича, Беловск туманининг Каминовка қишлоғида табиий офат — бўрон 52 та уйни бузиб юборган. 13 киши шикастланган, шундан 2 нафари шифохонага ётқизилган, бир нафари эса, яъни 82 ёшли кампир вафот этган.

Шунингдек, қўшни тумандаги Красногорск посёлкасида ҳам бўрон рўй берган. Натижада 30 та уй бузилган. 5 киши турли тан жароҳати олган.

Вилоят губернатори Аман Тулеев табиий офатдан зарар кўрган туманларда бўлиб, унинг оқибатларини тезда тугатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берди.

АЙБЛИ ДЕБ ТОПИЛДИ

Чўчқачилик билан шуғулланувчи Буюк британиялик фермерлардан бири ўтган йили мамлакат чорвачилигида кенг тарқалган оқсим касаллигининг келиб чиқишида айбли деб топилди. Унинг айби шундаки, фермер ўз чорваси касалликка чалинганини била туриб, бу ҳақда раҳбариятга хабар бермаган. Аксинча, касалланган чўчқаларини Лондон яқинидаги Эссекс графлигидаги қушхонага топшириб юборган. Айнан шу жойда 2001 йилнинг февралида оқсим вируси тарқалганлиги биринчи марта аниқланган.

56 ёшли фермер Роберт Ваух бўйнига 15 та айб қўйилди. Эндиликда унга 6 ойгача қамоқ жазоси тайинланиши мумкин.

«Мен шунинг учун афсусдаманки, чўчқаларим оқсим билан касалланганини билмабман. Шу важдан бу ҳақда юқори идораларга хабар бериш хаёлимда бўлмаган», дейди у журналистларга берган интервьюсида.

Маълумки, ўтган йили шу оқсим касаллиги кенг тарқалганлиги оқибатида бутун бошли фермалардаги чорва ва қорамоллар қуйдириб, кўмиб ташланганлиги боис Буюк Британия иқтисоди миллионлаб зарар кўрди, дейилади Reuters тарқатган манбаларда.

ЁНҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мана бир ойдирки, Хабаровск ўлкасидаги ўрмонларда ёнғин ҳануз батамом бартараф этилгани йўқ. Фақат ёнғин майдони бир неча минг гектарга қисқартиришга эришилди, холос. Фуқаро мудофааси ва Фавқулодда вазиятлар ўлка бош бошқармаси берган маълумотларга кўра, ҳозир бу ҳудудда 2 та ёнғин ўчоғи мавжуд бўлиб, умумий майдони 54 гектарни ташкил этади. Шу кунларда ёнғинни ўчиришда 42 тонна сув сиғимига эга икки «Ил-76-ТД» самолёти катта ёрдам бермоқда.

Ўлкада бир неча ҳафта олдин жорий этилган фавқулодда ҳолат кечадан бошлаб бекор қилинди.

Афсуски, Камчатка ўрмонларидаям кучли ёнғин қайд этилган. Унинг кучлилигини шундан билиш мумкинки, Далиновка қишлоғи яқинидаги 2 минг гектарлик ўрмон бир кеча-кундузда ёниб кулга айланди. Ёнғин ўз майдонини кенгайтириб бормоқда.

ЯНГИ МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ

Туркманистонда шу йил охиригача меҳнат дафтарчасининг янги намунасини жорий этиш режалаштирилмоқда. Янги меҳнат дафтарчалари расмий юридик ҳужжат мақомига эга бўлиб, унда дафтарча эгасининг нафақат меҳнат фаолияти, балки у ҳақдаги барча маълумотлар, жумладан, мукофотлари, унвонлари, пенсия тайинловлари, тиббий суғурта, оилавий аҳволи, шунингдек, судланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам қайд этиб берилади.

Туркманистон раҳбарияти «янги меҳнат дафтарчаси ҳар бир фуқаронинг ҳаётдаги иштирокини, айниқса, ватани олдидаги бурчини қандай бажараётгани» ҳақидаги маълумотлардан ижтимоий хулосалар чиқариш мумкинлигига умид билдирмоқда.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН

Кейинги кунларда Марказий Америка, Гватемала ва Панамада, шунингдек, Ямайка ва Гаити оролларида ёққан тинимсиз ёмғир оқибатида сув тошқинлари юз берди. Натижада 30 дан ортиқ киши нобуд бўлди. Минглаб одамлар бошпанасиз қолди. Бир неча кун аввал эса сўшни Гондурас ва Коста-Рика, Салвадор ва Никарагуада ҳам шундай табиий офат юз берганди. Гондурас пойтахти Тегусигальпани сув босиши натижасида мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Шунингдек, Коста-Рикадаям фавқулодда ҳолат амалда. Associated Press тарқатган хабарларга кўра, бу мамлакатнинг энг ишонган экспорт таянчи — бананзорларнинг 40 фоизи тинимсиз жала сабаб пайҳон бўлган.

БУХОРОГА КЎРК БЎЛГАН ШИЖОАТ ВА БАРКАМОЛЛИК

БУХОРОДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИККИНЧИ АНЪАНАВИЙ УНИВЕРСИАДАСИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

«Универсиада — 2002»нинг ёпилиш тантаналари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни тадбирлари билан уйғунлашиб кетди. Шу жиҳатдан ҳам Шарқ гавҳари — Бухоронинг барча гўшаларида байрам шукуҳи тантанаворлик касб этди. Анъанавий спорт байрами совриндорлари билан учрашувлар, дастхат олишлар, дўстлашув онлари барчанинг қалбида абадий муҳрланиб қолди. Сайиллар ниҳояси келиб марказий «Бухоро» ўйингоҳида туташди.

Соат миллари 20 ни кўрсатганда ўйингоҳ узра «Универсиада — 2002» ғолибларини тақдирлаш тантаналари бошланишидан дарак берувчи карнай-сурнай овози борлиқни титратди.

Ҳаяжонли ва унутилмас дақиқалар... Ниҳоят ғолиблар номи эълон қилинди. Биринчи ўрин «Тошкент — 1» жамоасига берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Дамас» автомашинаси ҳамда I даражали дипломни умумжамоа ғалабасига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти жамоасига Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ҳамда Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов топширди. Иккинчи ўринни Бухоро вилояти талаба спортчилари эгалладилар. Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси ҳамда II даражали дипломни Бухоро давлат университети жамоасига республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов ва Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов топширди. Учинчи ўрин эса Наманган вилояти жамоасига насиб этди. Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси ва III даражали диплом билан Наманган давлат университети жамоаси тақдирланди. Уни республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти С.Рўзиевлар топширишди.



Шунингдек, ғолиб ва совриндорларга рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам топширилди. «Ғалабага бўлган интилиш учун» (компьютер) — Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоасининг волейболчи йигитларига, «Энг аҳил жамоа учун» (компьютер) — Урганч давлат университетига, «Энг яхши натижага эришгани учун» (телевизор) — Тошкент давлат аграр университети жамоасига, «Энг кўп ғалабани қўлга киритгани учун» (телевизор) — Фарғона давлат университетига, «Спортдаги маданият ва нафислиги учун» (телевизор) Бухоро бадиий гимнастикачилари жамоасига топширилди. Хуллас, мукофот ва совринлар кўп. Ҳеч бир жамоа универсиададан қуруқ қайтмади.

— Жуда кўплаб халқаро турнирларда иштирок этиб, совриндор бўлганман, — дейди Бухоро вилояти енгил атлетикачиси, БухДУ талабаси Шавкат Шарипов. — Лекин ушбу мусобақалар мен учун бир умр ардоқли ва қадрли бўлиб қолади. Чунки ўз жамоамга «Универсиада — 2002»нинг илк олтин медалини туҳфа қилдим.

Ғолибларни қутлаш ва шарафлаш, «Универсиада — 2002» иштирокчилари кўнглини шод этиш учун майдонга чиққан таниқли эстрада юлдузлари, бадиий жамоалар ўзларининг ранг-баранг дастурлари билан оқшом файзига янада файз киритдилар. Катта концерт дастуридан сўнг, универсиаданинг рамзий байроғи туширилди. Бухороликлар уни «Универсиада — 2004» мусобақалари ўтадиган Самарқанд вилояти талаба-ёшларига топширдилар.



— Бухородаги баҳслар кутганимиздан-да ҳаяжонли, таассуротларга бой бўлди, — дейди Самарқанд давлат университети биринчи проректори М.Муҳиддинов. — Бизнинг университетимиздан яхлит жамоа сифатида энг кўп иштирокчи қатнашганлиги эътиборлидир. Ўқув даргоҳимизнинг 124 нафар талаба йигит-қизлари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Гарчи, умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти олтинчи ўрин билан кифояланган бўлса-да, вакилларимиз орасида шоҳмот, енгил атлетика, дзюдо бўйича «Универсиада — 2002» чемпионлари, бошқа кўплаб турлар бўйича совриндорлар бор. Бўлажак «Универсиада —2004» мусобақалари рамзий байроғининг спортчиларимизга топширилиши эса қадим Самарқандга берилганлиги алоҳида эътибор намунасидир. Ўтган икки универсиада баҳслари ёшларимиз учун катта тажриба мактаби бўлиб қолди. Ишонаманки, навбатдаги мусобақаларга вакилларимиз ҳам мезбон, ҳам иштирокчи сифатида пухта ҳозирлик кўрадилар.

Дарвоқе, гўзаллик ва спорт, ёшлик байрами бўлган универсиада мусобақалари соғлом рақобат, ҳалол курашчанлик руҳида ўтганини унинг қатнашчиларигина эмас, балки мухлислар ҳам таъкидламоқдалар. Ўнлаб, юзлаб янги номлар, юлдузлар кашф этилди, янги рекордлар ўрнатилди. Ушбу мусобақалар мамлакатимизда маънавий етук, зукко ва билимдон, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир ирода ва эътиқоди бақувват мард йигит-қизлар вояга етаётганини яна бир бор намойиш этди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧

Суратларда: *универсиада мусобақаларидан лавҳалар.*
А. РИСҚИЕВ (ЎзА), Б. РИЗОҚУЛОВ, Ҳ. МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

ДИҚҚАТ: ЯНГИ НАШР

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ

Ислом илмлари соҳасида улуғ аждодларимиз яратган дурдона асарлар, миллий қадриятлар, бетакрор анъаналар ислом назариясининг ривожланишига асос бўлган. Бироқ мустабид давр сиёсати туфайли ислом дини соҳасида илмий-назарий изланишлар олиб бориш тақиқланган эди. Мустақиллик Ўзбекистонда миллий ва диний қадриятларга кенг йўл очди.

Халқимизнинг муқаддас эътиқоди — ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни асраб-авайлаш, тиклаш ва уни чуқур ўрганиш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосида тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг билим даражаси, диний саводхонлигини ошириш мақсадида Президент Ислом Каримов Фармонига биноан 1999 йилда Тошкент Ислом университети ташкил этилди.

Ҳозирги кунда университетда Ислом тарихи ва фалсафаси ҳамда Фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультетлари, шунингдек, исломшунослик илмий тадқиқот маркази фаолият кўрсатмоқда.

Университетда «Шарқшунослик фанлари» мутахассислиги бўйича ихтисослашган кенгаш тузилган. «Диншунослик назарияси», «Ислом тарихи ва фалсафаси», «Ислом ҳуқуқшунослиги» йўналишлари бўйича 20 нафар аспирант ва 8 тадқиқотчи илмий изланишлар олиб бормоқда. Университет илмий кенгаши қарорига биноан яқинда илмий-таҳлилий бюллетенинг 1-сони босмадан чиқди.

Университет томонидан нашр этилиб, илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу илмий-таҳлилий ахборот нашрда диншунослик назарияси, ислом тарихи, манбашунослиги, ҳуқуқи масалаларини тадқиқ қилаётган ёш тадқиқотчи ва аспирантларнинг дастлабки илмий изланишлари баён этилган. Мазкур ахборотномадаги барча мақолаларда ислом манбаларидаги эътиқод эркинлиги, мазҳаблар ва оқимлар, Қуръон, ҳадис илмлари каби соҳа муаммолари диний-тарихий қўлёзма манбалар асосида илмий таҳлил этилган.

Бюллетендан «Ислом манбаларида эътиқод эрки масалалари», «Советларнинг 1917-1920 йиллардаги диний сиёсати» ҳамда Қуръон ва ҳадис, нахв илмлари, Абул Лайс Самарқандий, Имом Доримий, Абул-Муъин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий каби алломалар фаолияти ва асарлари бўйича ранг-баранг мавзудаги мақолалар ўрин олган. Мақолаларга рус ва инглиз тилларида қисқача баён (резюме) илова қилинган.

Муҳими, ушбу бюллетен Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори ва номзоди даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилди.

■ **Неъматулло МУҲАМЕДОВ, Тошкент Ислом университети аспиранти.**

«СПОРТ ШОН-ШАРАФИ» МУЗЕЙИ

«Универсиада — 2002» мусобақаларининг сўнггида «Бухоро» стадионида «Спорт шон-шарафи» музейи очилди.

Ёш авлодни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишнинг уч босқичли тизими шакллантирилди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» унинг таркибий қисмларига айланди.

Янги музей экспозицияси давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Универсиада-2002» спорт мусобақалари қатнашчиларига йўллаган табриги матни билан бошланади. Стендларда «Умид ниҳоллари»,«Баркамол авлод» ўйинларида ва Универсиадаларнинг ўтказилиши ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бор. Улар орасида ҳужжатлар, ахборотлар ва мақолалар билан бир қаторда кўплаб фотосуратлар ҳам бор. Шунингдек, бу ерда республикамизнинг энг машҳур спорт усталари томонидан халқаро мусобақаларда қўлга киритилган ғалабалар ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни ҳам кўриш мумкин. Очилиш маросимида таъкидлаганидек, музей ёшлар онгида соғлом турмуш тарзига, спорт ва жисмоний тарбияга интилиш туйғуларини шакллантириш борасида марказ вазифасини ўташи лозим.

Музейнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, республика Бош вазирининг ўринбосари Х. Кароматов, Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов иштирок этди.

■ **Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири**

«МУЛОҚОТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Ошкора, самимий мулоқотга иштиёқингиз бўлса, ҳамдард, кўнглингизга яқин дўст топмоқчи бўлсангиз, «МУЛОҚОТ» журналига обуна бўлинг! Журналга обуна йил бўйи давом этади.

Агар суюкли Ватанимизнинг, буюк миллатимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳамда миллатнинг таянчи бўлган улуғ тарихий шахслар ҳақида кенгроқ ва батафсилроқ маълумотга эга бўлишни истасангиз, юрт равнақига хизмат қилишга бел боғлаган «МУЛОҚОТ» журналига ёзилинг!

2002 йилнинг иккинчи ярим йилига обуна мавсуми давом этмоқда. Давримизнинг энг долзарб масалаларига дадил муносабат билдирадиган, халқимиз тарихи, унинг бой маданий мероси ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш асосида миллий

истиқлол мафкурасини шакллантиришга, маънавият ва маърифат равнақига катта ҳисса қўшаётган «МУЛОҚОТ» журнали кўнглингизга нур, хонадонингизга файз, онгингизга зиё бахш этишига ишонамиз.

Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз. Чунки журналнинг чакана савдодаги нархи обуначи оладиганидан анча қимматга тушади. Чинакам ўқувчи учун обуна энг қулай имконият.

Индексимиз (Нашр кўрсаткичи):
— Якка тартибдаги обуначилар учун — 844;
— Ташкилотлар учун — 845.

МИЛЛАТ ВА ТАРИХ

ЯНА ҲИНД СОРИҒА...

(Давоми. Боши 3-бетда)

— Мана сизларга яна битта жумбоқ, — деди раҳбар. У ҳам ҳайрон, биз ҳам ҳайрон. Бундай жумбоқларнинг жавобини қаердан излашниям билмаймиз. Сўралган одамлардан олинган жавоб тўғрими, нотўғрими — бунинг ўзи ҳам жумбоқ...

Бошимиз қотиб, йўл кўрсатишга бир йигитни ёллаб, Тож Маҳалга қараб кетдик. Уловнинг кўплиги, кўчаларда юриш машаққати Лоҳурда Деҳлидан ҳам баттар эди. Тўхтаб-тўхтаб, қадам-бақадам силжиб бордик.

ТОЖ МАҲАЛ

Тож Маҳал! Уч ярим асрки, зикри бутун дунёдан ташриф буюрадиган ва таърифини эшитганлар тилидан тушмай келаётган мўъжиза!

Дарвозадан киришимиз билан оппоқ мақбарага кўзимиз тушди — ўша мақбара, ўша миноралар! Кўрғонли хиёбондаги икки лабида ям-яшил сарв арчалари саф тортган ҳовуз ҳам ўша-ўша, сийрак дарахтлар, қалин, зангори майсалар ўша-ўша. Зиёратчиларнинг кўплиги ўша-ўша... Улар орасида турлича кийинган турли миллат, турли мамлакат халқларига мансуб эркаклар, аёллар, ёшлар бор. Хусусан, оч ҳаво ранг узун кўйлак кийишиб, оқ шарф билан томоғи остини — кўксини ёпиб, икки учини елкалари оша орқасига омонат ташлаб юрган (бундай либос ёш қизлар ўртасида кўпроқ урф экан) ҳинд қиз-жувонлари кўзга яққолроқ кўринарди. Бу кийим уларга жуда ярашиб турарди. Сийдам, силлиқ (лекин ялтироқ эмас!) кўйлакларининг икки тиззаси ёнидан очилган ёрмаси ҳошияларига тўр тикилган ё гул солинган эди. Улар бўғма почаси тўпиғини ҳам беркитиб турадиган, кўйлаги рангига ҳамоҳанг тусдаги шалвар кийишаркан.

Сояси орқа томондаги машҳур Жамна дарёсига тушиб тебраниб турадиган ушбу обида чиндан-да маҳобатли бўлиб, чор тарафи тўрт минор ҳамда икки ёни ва олди шинам боғ — хиёбон билан ўралган. Миноралларнинг бўйи 50 метрдан, марказий гумбазнинг баландлиги эса 60 метрдан ортиқдир.

Муаззам обида ичига пойабзали ташқарида, пастда қолдириб, худди метро йўлагидагидек гавжум одамлар оқимига қўшиласиз-да, зиналардан оҳиста кўтариласиз. Мақбара саҳнидан ўтиб, меҳробсимон эшикдан кирасиз. Ичкари ҳам орқаси ойнаванд, майда катакли сим-панжара билан иҳота қилинган шифти баланд, меҳробсимон бўшлиқ. Ана шу бўшлиқнинг ўртасида — гулли мармар панжара билан одам кўкрагигача ўралган тўғарак ичида бир жуфт сағана тоши ёнма-ён қўйилган. Булар Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз Маҳалнинг сағаналари бўлиб, уларнинг қабрлари пастки қаватда. Сағана тошлари ва уларнинг атрофидаги деворларга ишлатилган ва қат-қатларига гул солинган силлиқ, оқ, оқиш, қаймоқ ранг мармарлар, уч ярим асрки ўз тусини, кўркини йўқотмай, турибди. Сағана тошларига Қуръон оятлари битилган. Атрофда айланиб юришган соқчипосбонлар сағаналарни суратга олиш ва бошқа ножойиз, тақиқланган хатти-ҳаракатлардан мудофаа қилиб туришади. Пастки қаватдаги қабрлар зиёратига ҳар йили кузда, Шоҳ Жаҳон вафот этган сана муносабати билан уч кун одам қўйилади, дейишди.

Ортиқча безак, жимжималардан ҳоли бўлган бу обида ўзининг салобати ва маҳобати билан шу турдаги бошқа меъморий ёдгорликлардан ажралиб туради, айни шу фазилатлари билан ўзига ром этади, ҳайратга солади.

Неъматилло иккимиз хиёбондаги рақамланган (демак, ҳар бири ҳисобда, эътиборда) дарахтлар оралаб ўтиб, чап ёндаги «Тож Маҳал» музейига кирдик. Маълумингизким, Тож Маҳални ҳинд муаррихлари «омадли подшоҳ» деб таърифлашган бобурий Шоҳ Жаҳон сохибжамол ва оқила хотини Мумтоз Маҳал (Аржумандбону) хотирасига қурдирган. Музейда обиданинг қурилиш тарихи ва бобурийлар фаолиятини акс эттирувчи ашёлар анчагина. Улардан аён бўлишича, қурилиш Мумтозбегим вафотидан кейин бошланган бўлиб, у йигирма мингдан зиёд ишчи, муҳандиснинг салкам ўн саккиз йиллик муттасил меҳнатлари самарасидир.

Бу ерда Жаҳонгиршоҳ муҳри (бармоғи) туширилган дастхат, идиш-товоқлар, бобурийларнинг қурол-яроғлари, мақбарага ишлатилган гулли мармарлардан, тошлардан (бино қурилиши ва безаги учун дунёдаги жуда кўп мамлакатлардан келтирилган ўн беш хилдан ортиқ қимматбаҳо тошдан фойдаланилган) намуналар, малика Мумтозбегимнинг гўзал сиймоси, император Шоҳ Жаҳоннинг турли ҳолатдаги суратлари, бобурий ҳукмдорларга тегишли фармонларнинг нусхалари ўрин олган эди.

Байт:

Энг гўзал обида
Тожмаҳал бўлди,
Оламнинг юзига зеб,
сайқал бўлди.
Вафо, садоқатдан
қуйловчи бу тош
Севгига абадий зар
ҳайкал бўлди.

... Яна одамларнинг дарёдарё оқимига қўшилиб, мағрурона қадамлар билан Тож Маҳал ҳудудидан чиқдик.

Нур Жаҳон боғининг дарвозаси ўтган сафар очиқ, ҳеч ким йўқ эди, бу гал одам кўп.

Йўлакнинг икки томонидаги гулпушталарда қийғос очилиб турган гултожихўроз ўз юртимизни, Андижон кўчалари ва хиёбонларини эслатиб юборди.

Боғ ва унинг ичидаги мақбара ҳамда бошқа бинолар 1622-28 йиллари малика Мумтоз Маҳалнинг аммаси, Жаҳонгир шоҳнинг суюкли хотини Нур Жаҳонбегим раҳбарлигида унинг отаси Эътимодуд Давла Мирзо Ғиёсбек хотирасига (меъмор Фотеҳ Мирзо) бунёд этган. Хусусан, мақбара, бобурийшунос ҳинд тарихчиларининг ёзишларича, Жаҳонгиршоҳ даврида қурилган обидаларнинг энг мустаҳкамидир.

Боғ ўртасидаги мақбара ичида Нур Жаҳоннинг онаси Асматбегим, биринчи эри Шерафғондан туғилган қизи Лодлибегим (таажжубки, Лохурда дафн этилган Нур Жаҳонбегим мақбарасидаги бир қабрни ҳам Лодлибегимники деб айтишган эди), тоғаси Исмоилбек, опаси Нисоҳатбегим, шунингдек, Мумтозбегимнинг ота-оналари — Осафхон ҳамда Девонжибегим, яна ўша авлодга мансуб Асамуддин, Малик Мансур Али ва бошқаларнинг қабрлари бор эди.

(Давоми бор)

■ **Қамчибек КЕНЖА**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 ЙИЛ 5, 12, 19, 26 ИЮЛЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1-Тошкент давлат тиббиёт институтига қарашли, Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани, Хўжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган, майдони 5333 кв.метр бўлган 4 қаватли ётоҳона биноси.
Бошланғич нархи — 130 000 000 сўм ёки 188 954,0 АҚШ доллари.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик жамияти балансидаги Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 106-уйда жойлашган, майдони 341,5 кв.метр бўлган ошхона биноси.
Бошланғич нархи — 5 000 000 сўм ёки 7 268,0 АҚШ доллари.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани Туркистон кўчаси, 7-уйда жойлашган, қурилиш майдони 1906 кв.метр бўлган «Локомотив» меҳмонхонаси (мулкий мажмуа тарзда).
Бошланғич нархи — 448 570 300 сўм ёки 651 992,0 АҚШ доллари.

Савдода қатнашиш учун объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўланади.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.

Мўлжал: Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ёнида. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали 2002 йил 17 май куни ўтказилган танлов савдосида

Тошкент шаҳар Ҳокимияти Капитал қурилиш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, лойиҳадаги Беруний кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 576,0 кв.м бўлган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси 45 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти жамоаси «Қишлоқ хўжалиги гидротехник мелиорацияси» кафедраси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори

Фарид Мадиримович РАҲИМБАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 471

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA